Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 246 (8986). ● 1986 йил 31 декабрь ● чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

1986: СЎНГГИ ХУШХАБАРЛАР

УЧ ХЎЖАЛИК РАПОРТИ

● **ОҚҚУРҒОН. (Телефон орқали олинди).** Сегизбоев номли совхоз чорвадорлари бир неча йиллардан бўён давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини муддатидан олдин бажариб келишади. Съездлар йилида ҳам бу хўжаликда давлатга сут топшириш плани ноябрь ойидаёқ шараф билан адо этилди. Куни-кеча райондаги яна уч хўжалик — «Ленинобод», «Озод», Навоий номли колхозларнинг чорвадорлари ҳам сут сотиш планини ошириб бажарганликлари ҳақида рапорт беришди.

Ленинободликлар қабул пунктларига пландаги 805 тонна ўрнига 870 тонна, Навоий номли колхоз чорвадорлари 140 тонна ўрнига 220 тонна, Озодликлар эса 301 тонна маҳсулот топширишди.

МАРТ ОЙИ ҲИСОБИГА

● ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатининг Қалмоққир мис конида Ю. Магда экскаваторнинг энг яхши машинисти бўлди. Бу йиллик мусобақа якунларини чиқаришда маълум бўлди: илғор ишчи 1987 йил март ойи ҳисобидан руда қазиб олмоқда. Огир машинанинг профилактик ремонтини экскаваторчининг ўзи ўтказади. У ўз экипажининг аъзолари И. Расулов, ака-ука Павел ва Сергей Вострейкинларни ҳам турдош слесарлик ҳунарига ўргатди.

УНУМДОРЛИК 20 МАРТА ОШДИ

● **БИРГИНА энергия диспетчери Тошкент метрополитенини электр билан таъминлаш ишларининг ҳаммасини бажаради. Яқиндагина ҳар сменада 19 нафар энергетик мана шу иш билан шуғулланарди. Одатда темир йўлларда ишлатиладиган «Лисна» телебошқарув системаси бошқариш ходимларн меҳнат унумдорлигини қариб 20 марта оширишга ёрдам берди. Метрополитен рационализаторлари системани ер ости электричкасида ишлашга мосладилар. «Среднеазнатская магистраль» газетаси хабар бергандек, пойтахт метроси новаторларининг иши рационализаторлар Ўзбекистон республика кенгаши ташкил этган конкурсда энг яхшилардан бири деб топилди.**

Электрмеханиклар П. Храмов, А. Ушаков, В. Панин «Лисна» системасини такомиллаштириш ишларини давом эттирмоқдалар. Система бир йилга ҳисоблаганда ҳозироқ 36 минг сўм иқтисодий самара келтирмоқда.

НУРЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

● «ГИДРОСПЕЦСТРОЙ» Чорвоқ участкасининг коллективи келаси йил ҳисобидан ишлаётганига бир ойдан ошди. Портлатувчилар мураккаб геологик шароитларда тоннеллар қазимоқдалар, бошқа ишларни бажармоқдалар. Проходчиклар айниқса яхши ишладилар. Уларнинг энг яхшилари атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатаётганларга ёрдам бериш учун Чернобилга юборилди. Қолганлар икки баравар ғайрат билан меҳнат қилиб, мўлжалдаги топшириқларнинг ҳаммасини ошириб бажардилар.

Цехга роботлар келди

● «УЗБЕКХИММАШ» заводининг биринчи механика цехига роботлар келди. Бу ерда ишга туширилган роботлаштирилган комплекс составида рақамли программа билан бошқариладиган станоклар ҳамда иккита автомат манипулятор бор. Энди корхонада рақамли программа билан бошқариладиган 32 та станок ва автомат линия ишлаб турибди. Бу ерда барпо этилган станоксозлик цехи янги техникани жорий этишда ёрдам беради. «Узбекхиммаш»-чилар йил мобайнида 38 та эскирган машина-ускуналарни кўчириб олдилар, икки ва уч сменалаб ишлашга ўтдилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

1986 йилнинг сўнгги соатлари ўтиб бормоқда. Ҳадемай биз у билан хайрлашиб, янги 1987 йилга қадам қўямиз. Тугаётган йилимиз ўзининг қувонч ва ташвишлари билан, масъулиятли ва даяжонли онлари билан ёдда қолади. КПССнинг тарихий XXVII съезди бўлиб ўтган ана шу йилда бутун мамлакат миқёсида жуда катта ишларга қўл урилди. Съезд белгилаб берган улуғвор кўрсатмалар асосида партия ва совет халқи бутун жамиятни қайта қуришни авж олдириб юборди. Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида янгиланиш, ўз умрини ўтаган, эскирган нарсалардан холи бўлиш, турли иллатлардан покланиш қизғин авж олиб кетди. Бу борада амалга оширилган ишлар туфайли рўй берган ижобий ўзгаришлар яққол сезилмоқда.

Бу ўзгаришларни аввало омманинг меҳнат ва сиёсий активлиги ошганлигида, янгича фикрлашга, янгича ишлашга интилишда, ҳамма ерда ишнинг сифати учун, ошкоралик учун курашда кўриш мумкин.

Ишга ижодий ёндашиш, тартиб ва интизом мустаҳкамланиб бораётганлиги меҳнат коллективлари фаолиятига самарали таъсир кўрсатмоқда. Буни областимиз меҳнаткашларининг янги йил арафасидаги меҳнат рапортлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Область бўйича ўн бир ойлик план топшириқлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўйича топшириқлар ошириб бажарилди, маҳсулот таннархи бирмунча камайди. Агросаноат ходимлари, аввало пахтакорларимиз виждонан ишладилар. Улар давлатга соцналистик мажбуриятдагидан ҳам ортиқ — 430 минг тонна пахта топширдилар. Ғалла, узум, сабзавот тайёрлаш планлари ортиғи билан адо этилди, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ўтган йилдагидан илдам бормоқда.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари товар маҳсулотларини реализация қилиш ва саноат буюмларининг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни муддатидан илгари уддаладилар. Йил охиригача тошкентликлар 46 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилишни мўлжалламоқдалар

Беш йиллик биринчи йилининг пешқадамлари сафида Октябрь Революцияси ордени нишондорлари—Тошкент трактор заводининг фрезерчиси Саидаҳмад Юнусов, 39-автобазанинг илғор ҳайдовчиси Мели Бўриев, Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг аъзоси Гулайна Абдукаримова ҳамда Ғалаба районидаги Калинин номли совхоз сут соғувчиси Лидия Шадрина, Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи Мукаммар Норқулова ва бошқаларни кўрамиз. Улар йиллик марраларни муддатидан илгари уддалаб, ўз касбдошларига намуна бўлдилар.

Йилни муваффақиятли якунлаган коллективлар учун характерли нарса шундаки, уларда аввало ишнинг сифат кўрсаткичлари томон бурилиш яққол сезилди. Мусобақадошлар ўртасида КПСС Марказий Комитетининг маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш тўғрисидаги хати мамнуният билан қутиб олинди. Сифатга эътибор Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномада ҳам ўз ифодасини топди. Мурожаатнома областимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида қизғин муҳокама қилинди. Партия даъватига жавобан жуда кўп коллективлар маҳсулот таннархини арзонлаштириш, сифатини яхшилаш юзасидан янги марраларни белгиладилар, СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси, Чирчиқ трансформатор заводи, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг ишчилари пировард натижалар учун масъулиятларини оширдилар, омборни эмас, истеъмолчиларни ўйлайдиган бўлиб қолдилар. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳақли равишда шуҳрат топмоқда.

Бундан буён ҳам корхона маркасининг қадри учун курашаётган коллективлар сони ортиб бориши керак Маҳсулотнинг давлат қабулига ўтилаётгани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Янги йилдан областимизнинг 21 корхонаси ана шундай шароитда ишлай бошлайди. Давлат қабулининг дастлабки қадамлари шуни кўрсатмоқдаки, бу янгиликдан корхона ишчилари ҳам, истеъмолчилар ҳам катта манфаат кўрар экан.

1986 йил саноатда бунга ўхшаш яна бошқа катта ишларга дадил қадам қўйилди. Жумладан, корхоналарни техник қайта қуроллантириш ва прогрессив техникадан икки-уч сменада максимал фойдаланиш юзасидан ленинградликлар ташаббуси издошлари кўпайиб борди. Белоруссиялик темирйўлчилар ватанпарварлик ҳаракати асосида бу тармоқда бир неча минг ишчини бошқа соҳаларга бўшатиш имконияти яратилди.

Илғорлар тажрибаси — фойдаланилмаётган резервларнинг ҳақиқий манбаидир. Шунинг учун уларни ҳамма жойда кенг ёйиш талаб қилинмоқда. Бироқ илғор тажрибани ўрганиш ва барча коллективларда қўлланишда юзакичилик ҳамда эскиликка барҳам берилмаган, қуйидан бўладиган ташаббусларга чинакамига манфаатдорлик билан ёндашилмаяпти.

Меҳнат коллективларининг, оддий меҳнаткашларнинг социал эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик кучайганлиги ўтган йилда юз берган энг яхши ўзгаришлардан биридир. Уй-жой, социал-маданий объектлар қурилиши партия ва совет органларининг доимий диққат марказида бўлиб қолди. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи коллективининг ташаббусини маъқуллади. Металлургларга 1996 йилгача ҳар бир оилани алоҳида шинам квартира билан таъминлаш тўғрисида ташаббус билан чиқдилар.

Ўтган йили мўлжалланган ҳамма ишлар ҳам амалга оширилди, деб бўлмайди. Областда ҳар етти корхонадан биттасигина олий сифат категорияли маҳсулот тайёрлаганлиги, қишлоқ районларидаги саноат корхоналари давлат Сифат белгили маҳсулотни мутлақо чиқармаётганлиги ташвишлантирмай қўймайди. Қатор корхона ва ташкилотларда янгича ишлашга ўтиш суст бормоқда. Оқибатда бир қатор тармоқларда йиллик планлар барбод бўлди. Каноп, мева, полиз маҳсулотлари, дағал ва ширали озуқа тайёрлаш планлари бажарилмади. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси ҳозирги давр талабларига мос келмаяпти. Чакана товар оборотн ва маиший хизмат реализацияси планлари ҳам бажарилмай қолди.

Янги йил арафасида меҳнат коллективлари беш йилликкинг иккинчи йили учун янги мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Улар Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик юбилейигача икки йиллик план маррасини эгаллашни кўзламоқдалар. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари бу мажбуриятларнинг уддасидан чиқиш учун 1986 йилдаги энг яхши, қимматли тажрибаларнинг ҳаммасини ҳисобга олишлари, ундан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишлари ва кенг ёйишлари керак.

Биз ўтган бир йил давомида областимиз меҳнаткашлари ҳаётида юз берган ўзгаришларни мамнуннят билан эслаймиз. Эришган ютуқларимиздан севиниб, амалга ошмай қолган режаларимизни келаётган Янги йил зиммасига юклаймиз. Бутун мамлакат бўйлаб бошланган қайта қуриш эстафетаси янги йилда давом эттирилиб, ҳамма ишларимизга янада жадаллаштириш маромини бериши лозим.

Кириб келаётган 1987 йилингиз — Улуғ Октябрнинг шонли юбилей йили қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!

СЪЕЗДЛАР ЙИЛИДАН— ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА!

МЕҲНАТ ЗАРБДОРЛАРИ

● ШУ кунларда ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчи 1986 йилни муваффақиятли якунлаш иштиёқи билан яшамоқда. Сиз суратда кўриб турган аёл-пойтахтдаги 41-мактаб директори Назира Аҳмедова ҳаётида 1986 йил қутлуғ йил бўлди: муаллима Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди, Тошкент тўқимачилик комбинатининг 4-тўқув фабрикаси ишчилари Г. Султонова, В. Пугач, К. Абдуллаевалар ҳам меҳнатда улкан ютуқларни қўлга киритдилар. 11-«Висотстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг монтажчиси, шаҳар Советининг депутати Владимир Харитонов съездлар йили шахсий меҳнат беллашувида доим олдинги сафда бўлди. М. Нуриддинов, Э. Зоҳидов, К. Бимдер фотолари.

ИШ СУРЪАТИ СУСАЙМАЙДИ

БЕКОБОД пахта тозалаш заводига қарашли «Инқилоб» пахта тайёрлаш пункти ишчи-хизматчилари бу йилги мавсумда яхши ишладилар. Қабул пунктига келтирилган «оқ олтин» карвонларининг маҳтал бўлиб қолишига асло йўл қўйилмади.

Айни кунларда ҳам бу қабул пунктида ишлар бир маромда, уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Қабул қилиб олинган пахталар сортлари бўйича сақланиб, ўз вақтида қайта ишлаш учун пахта тозалаш заводига жўнатилмоқда. Айниқса, пунктнинг қуритиш ва тозалаш цехида ишлар қизиб кетган.

Ўтган йили бу цех қайта реконструкция қилиниб, эски механизациялар янгилари билан алмаштирилган эди. Шунинг учун ҳам бу цех шу кунларда юқори унум билан ишламоқда. Хўжаликлардан келтирилган паст сортли, намиққан ва ифлос пахталар бу цехда қайта ишланиб, бунтларга қайтадан жойланмоқда.

Смена мастери Султон Каримов ва электрчи Ғулом Норжигитовлар механизмларни бетўхтов ишлашини таъминламоқдалар. Ишчилардан Х. Қайнаров, Х. Алимов, Э. Сариқулов, Н. Султонов, Р. Маматкаримовлар смена топшириқларини 1,5—2 ҳисса ошириб адо этмоқдалар. Қуритиш-тозалаш цехидан чиққан пахталарни эса механизатор Х. Тўраев пешма-пеш бунтларга элтмоқда. Ана шундай фидокор ишчиларнинг хизматлари туфайли бир кунда 45—50 тонна пахта қуритилиб, тозаланмоқда. Шу кунгача эса улар 100 тоннадан зиёд пахтани қайта ишладилар.

А. ХАМЗАЕВ,
Б. НОРЖИГИТОВ.

ИХЛОС БИЛАН

КИШИ ўз касбининг туб моҳиятини тўла ҳис этиб, меҳр ва ихлос билан ишласагина пировард натижадан кўнгли тўлади. Турсунмат Тўлдибоев ана шундай деҳқонлардан.

— Бу йилги шароит деҳқонлар учун анча оғир келди, — деди Т. Тўлдибоев, — ўзингиз биласиз, помидор ҳам, бодринг ҳам сувни кўп талаб қиладиган экин. Иложи бўлса ҳар ҳафта суғориш керак. Лекин сув танқислигидан биз фақат уч мартагина суғоролдик, холос. Лекин бригадамиз ишчилари ҳар бир ишловни ўз вақтида, намунали ўтказиб, бор намни узоқроқ сақлаб қолишга ҳаракат қилишди.

Фидокорона қилинган меҳнат кузда яхши самара берди. Мавжуд 30 гектар ердаги помидордан 874 тонна, 25 гектар ердаги бодрингдан мўл ҳосил йиғиштириб олинди, план ошириб бажарилди.

Илғор сабзавоткор Турсунмат Тўлдибоев ҳалол меҳнатлари эвазига Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Ворошилов номли совхознинг илғор бригадаси деҳқонлари келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик ишларини ҳам намунали олиб бормоқдалар.

И. НЕЪМАТИЛЛАЕВ,
Оҳангарон райони.

Машғулотлар тугади

Республика агросаноат комплексини бошқариш олий мактабида РАПО раисларининг машғулотлари ниҳоясига етди.

Тингловчилар бир ҳафта давомида хўжалик юритиш иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг, хўжалик ҳисоби ва коллектив пудратни, интенсив технологияларни жорий этишнинг актуал проблемаларини ўргандилар. Бу мавзуларни Тошкент ва Сирдарё областларидаги илғор хўжаликлари ва корхоналарида ўтказилган сайёр амалий машғулотларда ҳам кўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалигини оқилона ташкил этиш асосида шу соҳада меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан агросаноат комплекси ишини янада такомиллаштириш оилавий ва бригада пудратини, хараждатларни ҳисобга олишнинг чек формасини, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг цех структурасини жорий этиш масалалари ўртага қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, республика давлат агросаноат комитетининг раиси И. Х. Жўрабеков тингловчилар ҳузурида нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

29 декабрь куни халқ хўжалиги ва маданият ходимларининг бир группасига республика фахрий унвонлари берилгани тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов топширди. (ЎзТАГ).

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

● ТОШКЕНТ электроника заводида Вьетнам гидроиншоот қурувчиларининг буюртмалари аниқ муддатида бажарилди. Қардош мамлакатда қурилаётган «Чиан» гидроузелига электр станцияларни бошқарадиган тўқ қизта панел юборилди. Шу йил ўттиздан ортиқ мамлакат корхона маҳсулотини олди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ЙИЛ ЯРМАРКАЛАРИ

● РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтида байрам олди ярмаркалари очилди. Жиззах область меҳнаткашлари шаҳарликларга биринчилар қатори дала инъомларини келтирдилар. Айни кунларда улар Чилонзор районида 200 тоннадан зиёд турли хил сабзавот ва мевалар ҳамда полиз маҳсулотлари билан савдо қилишмоқда. Суратда: Чилонзор район ярмаркасида.

С. Величкин фотоси. (ЎзТАГ).

ЛАУРЕАТЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети бюроси комсомол комитетлари, ижодий союзлар, маданият органлари тақдим этган материалларни кўриб ва муҳокама қилиб, адабиёт, санъат, архитектура ва ҳаваскорлик ижодиётн соҳасида область Ленин комсомоли мукофотини бериш бўйича комиссия қарорини, шунингдек, комсомоллар, ёшлар, жамоатчилик вакилларидан комиссия номига келган кўплаб фикр ва тавсияларни эътиборга олиб, 1986 йил учун Тошкент область Ленин комсомоли мукофотини қуйидагиларга беришга қарор қилди.

КОНЦЕРТ-ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА

Аминова Гавҳар — М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли солисти, чет элларда ўзбек халқ рақс санъатини муносиб тарзда намойиш этганлиги ва юксак ижрочилик маҳорати учун.

Шарипова Адиба — М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси педагоги, классик музика санъатини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси, 1985—1986 йиллардаги концерт фаолияти учун.

Исроилова Ҳурриятхон — Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоси «Мақом» ансамбли солисти, юксак ижрочилик санъати ва ўзбек классик музика санъатини пропаганда қилишдаги катта хизматлари учун.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ БЎЙИЧА

Бўрибоева Назира — Бекобод район маданият уйи «Зафар тароналари» ансамблининг солисти, ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантиришга, қишлоқ ёшларини эстетик руҳда тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун.

Красногорск посёлкаси «Чотқол» маданият уйининг «Акцент» вокаль-инструменталь ансамбли — юксак ижрочилик маҳорати ва маданий-оммавий тадбирларда актив иштироки учун.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети маданият саройининг «Маятник» халқ ёшлар театр-студияси (раҳбари — В. Бушлер) — юксак ижрочилик маҳорати ва студент-ёшлар ўртасида театр санъатини пропаганда қилишдаги катта ишлари учун.

ЦИРК ИЖОДИЁТИ БЎЙИЧА

Янгийўл район маданият уйининг «Қалдирғоч» халқ болалар цирк коллективи (раҳбари — Д. Раҳмонов) — юксак ижрочилик маҳорати ва Янгийўл шаҳри ҳамда Янгийўл районн ёшларига маданий хизмат кўрсатишдаги актив иштироки учун.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА

Шарипов Соат — самолётсозлар маданият саройи ҳузуридаги «Восток» клуби ўзбек драматик коллективи раҳбари, Ўзбекистон драматурглари асарларини актив пропаганда қилганлиги, «Иқбол» туркум телекўрсатувлар тайёрлаганлиги учун.

АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА

Ғойибов Бозорбой — архитектор, СССР Архитекторлар союзининг аъзоси, Тошкент область комсомол комитетн дам олиш ва туризм зонасини лойиҳалаштириш ва қуришга қўшган шахсий ҳиссаси учун.

ЖУРНАЛИСТИКА БЎЙИЧА

Мирзалимов Мирақмал — «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўлими мудири, «Устозодалар» китоби, «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида ҳарбий-ватанпарварлик темасида эълон қилинган мақолалари учун.

АДАБИЁТ БЎЙИЧА

Турдиева Кавсар — шоира, болаларга аталган «Варрак» шеърий тўплами учун.

СССР

Давлат қабулига тайёргарлик қандай бормоқда

ПИРОВАРД НАТИЖАГА ҚАРАБ

ОЛМАЛИҚ химия заводида қишлоқ хўжалик экинлари учун қимматли ўғит — аммофос ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулот пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 5—7 центнергача кўтариш хусусиятига эга. Албатта, бунда ўғитнинг сифатли бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам областимиздаги 21 корхона қаторида Олмалиқ химия заводида ҳам давлат қабули жорий қилиняпти. Дастлаб корхонада беш мутахассис кадр иш бошлади ва маҳсулотнинг 30 процентини давлат қабули қамраб олди. Сўнг бу процентлар орта борди ва йил охирига келиб барча маҳсулотни давлат қабули орқали топширишга ўтилди.

— Оддий кўз билан қараганда ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган, маҳсулотнинг асосий қисми олий навга топширилаётган корхонада давлат қабули жорий этиш шарт эмасдек туюлади,— дейди давлат қабули раҳбари Леонид Циболюк.— Лекин бундан кўзланган мақсад фақат муттасил сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаб туришдангина иборат эмас. Давлат қабули КПСС XXVII съездида белгилаб берилган жадаллаштириш программасини амалга оширишдаги муҳим босқич бўлиб қолиши керак.

— Бу босқичда,— деб сўзини давом эттирди Л. Циболюк — экономикамиздаги хўжасизликка барҳам берилиши, оддий қилиб айтганда, ҳар бир мутахассис кадр халқ мулкига нисбатан ҳам ўз оилавий бюджети каби муносабатда бўлишни ўрганиши керак.

Яқинда тармоқ министрлиги ходимларининг давлат қабули вакиллари ва партия ташкилотлари секретарлари билан биргаликдаги кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда дастлабки иш натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Бундан кейинги амалга оширилиши лозим бўлган амалий-тадбирий чоралар ҳақида фикрлашиб олинди.

— Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни 100 процент давлат қабулига топшириш учун 20 мутахассис кадр иш олиб боради. Мен юқорида экономикадаги хўжасизлик, деган ибора ишлатдим,— дейди Леонид Леонидович.,— Бунй бизнинг соҳамизда шундай шарҳлаш мумкин. Мен корхонада бир неча йилдан бери ишлаб келаман. Бизда ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотни корхонанинг кўрсаткичларидан манфаатдор бўлган техника контроли бўлими текшириб қабул қилган. Мисол учун, олий нав ўғитга 1-нав ўғитга қараганда 9 сўм ортиқ ҳақ тўланади. Навларга эса ўғит таркибидаги экин учун фойдали элементларнинг миқдорига қараб ажратилади. Корхонамизда ўғитни олий навга топширишда таркибидаги ана шу фойдали элемент 1—2 процент етмай қолган тақдирда ундан кўз юмиб қўяолиш ҳоллари ҳам бўларди. Лекин шу 1—2 процент ҳисобига экин майдонларида қанчадан-қанча ҳосил йўқолиши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Энди давлат қабули бунга қатъий чек қўяди, ҳар бир иш пировард натижага қараб баҳоланади.

М. ҚОСИМОВА.

Область касаба союзларининг союзлараро конференцияси олдидан

МЕҲНАТДАН СЎНГ САРОЙГА

БЕШ йилликнинг тўғриғ йили ниҳоясига етаяпти. Ҳадемай янги календарнинг биринчи вараги очилади. Янги йил воқеаларга бой. 10 январда область касаба союзларининг союзлараро конференцияси, сўнг республика ва мамлакат касаба союзларининг съездлари бўлиб ўтади. Касаба союз аъзолари бу саналарни қандай кутиб олмоқдалар, партия XXVII съезди талаблари асосида ишни қандай ташкил этмоқдалар? Мухбиримизнинг У. Юсупов номли агросаноат бирлашмаси касаба союз комитети ранси М. Н. Шестаков билан қилган суҳбати шу мавзуга бағишланди.

— Бирлашмамиз касаба союз ташкилотига қарийб 5,5 минг кищи бирлашган,— деди Михаил Николаевич.— Жойларда 23 та цех касаба союз ташкилоти ва 85 та группа тузилган. Бу йил пудратчи звенолар йириклаштирилиб бригадаларга айлантирилди. Шу боисдан группалар ҳам йириклашди. Бу тадбир бошқарувни такомиллаштириш, имконини берди.

Группалар камайган бўлса-да, лекин касаба союз аъзолари сони камаймади. Биз ишга яроқли кучларни аниқлаш мақсадида барча хонадонларни айланиб чиқдик. Мавсум давомида қўшимча сал кам 500 киши фойдали меҳнатга жалб этилди. Уларнинг ҳаммаси ҳозир касаба союз аъзосидир.

Бирлашма касаба союз комитети боғбонлар ва чорвадорлар мусобақасини ташкил этишга, ғолибларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор бермоқда. Барча участкаларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш устидан қатъий назорат ўрнатилмоқда. Совет қонунчилигини бузган, турмуш тарзимизга хилоф иш тутган кишилар жазоланаётир. 14 киши касаба союз аъзолигидан ўчирилди. 6 та оила бирлашма уйларидан кўчирилди. Бундай жидий жазолар одамларни ҳушёр тортишга, совет қонунчилигига риоя этишга ундади.

Бизда ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари ва мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун шароитлар яратиб берилган. Кўпгина ишчилар иш куни тугагач, маданият саройи ёки спорт комплекси томон йўл олади-лар. Маданият саройининг концертлар учун алоҳида 600 ўринли, кинофильмлар намойиш этиш учун эса 250 ўринли заллари бор. Фақат маданият саройларининг ўзида 23 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилган. Спорт комплексида эса 13 та секция тузилган. Уларга аъзо бўлган ишчилар ўз маҳоратларини ошириб, саломатликларини мустаҳкамлаётган.

Бирлашма касаба союз комитети президиумининг II аъзоси бор. Уларнинг ҳар бири маълум комиссияларга бошчилик қилади. Лекин савдо бўйича комиссияга прораб А. Жўраев, меҳнатни муҳофаза этиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш комиссиясига Қ. Қолдибеков зарур даражада раҳбарлик қилолмадилар. Улар ўрнига бошқа ўртоқларни сайлашга тўғри келди. Янги кадрларни ишни яхши олиб боришлари учун ўқитмоқдамиз, малакаларини оширмоқдамиз. Бу йил жами касаба союз активларининг 60 проценти янгиланди. Янги сайланган активлар учун махсус семинар ўтказдик, уларга зарур маслаҳатлар бердик.

Тарбиявий ишларда баъзан касаба союз ташкилотларининг роли сезилмай қоляпти. Ўтган ойларда биргина консерва заводининг ўзидан салкам 200 кищи кайф устида хушёрхонага тушиб қолди. Бу ҳол заводда сиёсий-тарбиявий ишлар, ҳушёрлик группаси кўраётган тадбирлар талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Меҳнатни муҳофаза этиш соҳасидаги ишлар ҳам суст. Шикастланиш туфайли консерва заводида 80 иш куни йўқотилди. Бундай мисолларни бошқа хўжаликлардан ҳам келтириш мумкин.

Область касаба союзларининг союзлараро конференциясида тилга олинса арзигулик муаммолар ҳаётимизда оз эмас. Бошланғич касаба союз ташкилотлари роли кўп жойларда сезилмайди, сайлаб қўйган активлар ўз зиммаларига юкланган вазифаларини сидқидилдан бажармаяптилар. Касаба союз йиғилишлари хўжакўрсин учун ўтади. Йиғилишлар кун тартибига кўпчиликни қизиқтирган, мунозарага сабаб бўладиган масалалар қўйилмайди. Ишни қайта қуриш, иш услуби ва методини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар кўриш керак. Конференцияда ишимизнинг шу томонлари ҳам таҳлил этилса айни муддао бўлур эди.

● ШАВКАТ Умаров Тошкентдаги 1-троллейбус паркида кўпдан бери ишлайди. У илғор бригадага бош-қош. Бу қўш орденли коммунист етакчилик қилаётган коллектив аъзолари сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳамиша план-топшириқларини ортиғи билан бажариб келишади: Улар назоратидаги 100 троллейбуснинг ҳаммаси белгиланган маршрутларда қатъий график асосида қатнамоқда. Суратда: Ш. Умаров.

М. Нуриддинов фотоси.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ШАРОФАТИ

ПОЛИМЕРЛАРНИНГ «ЗИРАВОРИ»

● ТОШКЕНТ политехника институтининг олимлари полимерларни пишиқ ва иссиқбардош қиладиган универсал қўшимча модда рецептини химикларга топширдилар. Москва, Уфа ва владимирлик мутахассислар билан ҳамдўстликда полимерларнинг янги стабилизаторини ишлатиш технологияси ҳам ишлаб чиқилди. Унинг ёрдамида ғоят сифатли изоляторларни, жумладан кабель қобиғини тайёрлаш мумкин.

Олимлар дастлабки материал сифатида чигит ёғини олиш чиқитлари — госсипол смоласидан фойдаландилар. Кўпдан-кўп тажрибаларнинг кўрсатишича, қиймматбаҳо нефть маҳсулотлари —классификаторлар, сурков мойлари ҳамда полимер композицияларини тузишда ишлатилувчи бошқа бир қанча тақчил химиявий қўшимча моддалар ўрнида ундан бемалол фойдаланиш мумкин экан.

Стерлитамак «Каустик» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Владимир химия заводи униполдан фойдаланилган янги кабель пластикати ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. У эскиларидан кўпга чидайдиган ғоятда пишиқ бўлиб чиқди. Янгилик биринчи марта Тошкент кабель заводида ишлатилди. Бу материалнинг дастлабки қисмиёқ химикларга 2 миллион сўм тежашларига имкон берди. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, униполни кенг кўламда ишлатишнинг иқтисодий самараси йилига 10 миллион сўмга яқинлашади.

ҚЎЛ МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

● ЧИРЧИҚ озиқ-овқат комбинатининг цехларида қўл меҳнатига барҳам берилди. Бу ерда ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда пряник цехи, консерва цехи ва бошқа цехларда янги техника ўрнатилди. Шу туфайли меҳнат унумдорлиги 6 процентдан зиёд ортди. Беш йилликнинг иккинчи йилида комбинатнинг ҳамма ишлаб чиқариш участкаларини янгилаш мўлжалланади.

Очиқ хатлар куни

● АНГРЕНДАГИ «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида очиқ хатлар куни ўтказилди. Унда шаҳар партия комитетининг аъзолари, шаҳар Советининг депутатлари, турли ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Учрашув қатнашчилари айтган даъволарининг кўпи савдо ва маиший хизмат корхоналарининг, шаҳар транспортининг ишига таллуқли эди. Ташмачиларга, меҳнатсиз даромад ишқибозларига қарши кураш мавзуси кўтарилди.

Сўзга чиққан кишилар қайд этиб ўтилган камчиликларнинг кўп қисми муайян шахсларнинг топширилган иш участкасига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётганликларининг бевосита натижаси эканлигини таъкидладилар. Асосан ҳали қайта қуриш бошланмаган жойларда аҳвол танглигича қолмоқда. Бу гап медицина муассасаларига, шаҳар телефон тармоғи ва иссиқлик таъминоти хизматларига таллуқлидир, шаҳар жамоатчилик кучидан ҳали суст фойдаланилмоқда, меҳнат коллективларининг роли пасайтириб юборилган.

Завод меҳнатчиларининг шаҳар ташкилотлари шаънига айтган барча танқидий мулоҳазалари ҳисобга олинди, камчиликларни бартараф этиш ишлари қатъий контроль қилинмоқда.

(ЎзТАГ).

Пропагандистлар ҳақида ҳикоялар

У СЕВГАН МАВЗУ

Унинг ўқиган лекциялари, ўтказган машғулотлари доим эсда қолади. Сўзлари оддий, жуда содда, аммо ҳаётий гаплар. Ҳузур қилиб эшитасан. Хўш, унинг пропагандистлик маҳоратининг сири нимада?

Марс Аппалонович Цай яқинда металл конструкциялари цехи ишчилари билан машғулот ўтказди. Бундай пайтларда у вақтнинг қадрига етади. У ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланади. Ўша куни ҳам шундай бўлди. Цехдаги аҳволни таҳлилдан ўтказди, факт ва рақамларни четдан изламади, балки шу цех ҳаётидан келтирди.

Ҳақиқатан ҳам амалдаги йилда цехда салмоқли ўзгаришлар юз берди: ишлаб чиқариш маданияти сезиларли даражада кўтарилди, қўл меҳнатини енгиллаштириб, унумдорликни оширадиган қатор тадбирлар жорий қилинди. Чунончи, бурама гайкалар ясайдиган янги станок ўрнатилди, металлни юқори кучланиш ёрдамида кесадиган технологик усулга ўтилди. Бу янги тадбирлар иш унумдорлигини ўртача 20 баравар ошириш имконини бермоқда. Ишчиларнинг меҳнатга муносабатлари ўзгарди. Интизом мустаҳкамланди, тежамкорлик, моддий ресурс турларини тежаш режими оммалашди. Ўтган беш йилликда 2,5 тонна металл тежаган пармаловчи Г. Федоров, 2,5 тонна ёнилғи иқтисод қилган моторист С. Минеевнинг ўнлаб издошлари пайдо бўлди. Пропагандист тингловчиларга металл конструкциялари цехида қарор топа бошлаган ана шундай меҳнат кўтаринкилигини содда, қизиқарли тилда ҳикоя қилиб берди, бу ердаги салмоқли факт ва рақамларни бутун корхона ҳаётидаги ўзгаришлар билан таққослади.

Марс Аппалонович назария билан амалиётни пухта боғлай олган қобилиятли, ғоявий баркамол пропагандист. Ўн тўққиз йилдан бери тарғиботчилик қилиб бой тажриба орттирди. Унинг нутқи етти ўлчаб бир кесилгандай ихчам, лўнда. Машғулотларга пухта ҳозирлик кўришни у тингловчига ҳурмат-эҳтиром деб тушунади.

— Марс Аппалонович — дейди автоматика-телемеханика цехининг ишчиси, Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг делегати Людмила Егорова, — ҳар доим сўз билан ишнинг бирлигига амал қилади. Моҳир пропагандистнинг ишлаб чиқаришда эришилган муваффақиятларни чуқур таҳлилдан ўтказиб, кучли ва кучсиз томонларимизни кўрсатиб бераётганлиги бизга айниқса, маъқул бўлмоқда.

Ҳа, бугунги тингловчининг савияси баланд. У қироатхонликни, шунчаки сўзамолликларни ёқтирмайди. Унинг учун ахборотлар аниқ, турмушдан олинган бўлиши лозим.

Бош корхонада ярим мингга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар касб характерига, маълумотига қараб группаларга ажратилиб, сиёсий маориф системасига жалб қилинган. Корхона бошлиғи «Билим» жамиятининг 14 нафар пропагандисти коллективнинг сиёсий-иқтисодий билимларини чуқурлаштириш учун жон куйдириб меҳнат қилади. План бўлимининг бошлиғи В. А. Бобожонова, Автомат системаларини бошқариш бўлими бошлиғи А. М. Мустафин сингари сўз санъатини эгаллаган, ғоявий етук пропагандистлар бор. М. А. Цай айни пайтда 1976 йилдан бери ана шу жамият раиси. Жамият аъзолари партия ҳужжатларида ифодаланган ғоя ва қарорларнинг моҳиятини ўз вақтида ишчиларга тушунтириш, талқин қилиб беришга даъват қилинган.

Пропагандистлардан В. А. Боганов электр пайвандчи, П. И. Ефтюхов бригадирлик қилишади, айни пайтда улар иккинчи касбда ҳам муваффақият билан фаолият кўрсатишмоқда.

Яқинда Цайнинг ташаббуси билан корхона партия ташкилотининг секретари Н. И. Зайцев, касаба союз комитети раиси Р. М. Хасаншин ва бошқалардан иборат комиссия тузилиб, дарсларнинг ўзлаштирилиш даражаси текширилди. Комиссия 8 соат жисмоний меҳнат қилган ишчиларни бир соат қимирламай ўтириб машғулот тинглаши оғир кечишишини, баъзилар хомуза тортиб, мудраб ўтиришини аниқлади. Шундан сўнг машғулот соатини иккига бўлиб ўтказиш йўлга қўйилди. Пропагандист ярим соатда темасини ўтиб тугатиб, иккинчисига ўрин бўшатади. Пропагандистлар алмашуви ўзига хос танаффус вазифасини ўтамоқда. Чунки, бундай вақтда тингловчи диққатини янгилайди, активликни қайта тиклайди. Дастлабки машғулотлар бу тажрибанинг тўғрилигини, аудитория сергаклиги бутун машғулотлар давомида сусаймаганини кўрсатди.

КПСС XXVII съездидан кейин одамларнинг меҳнат ва ижтимоий активликлари янада ошди. Бунинг боиси, съезд барча салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтирди, бепарволик, пассивлик, лоқайдлик каби иллатлар ўз ўрнини актив гражданлик позициясига бўшатиб бермоқда, меҳнат коллективларида ижодий, ўзўзини танқид руҳи пайдо бўлди. Бугун бирлашма бош корхонаси партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари фаолиятида, ишчи мажлисларида ҳам ишга танқидий муносабат, ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликни ошириш — қайта қуришнинг ажралмас таркибий қисмига айланди. Шу туфайли бу йилги сиёсий-иқтисодий ўқишлар ҳам, машғулотлар ва тингловчилар ҳам бошқача. Съезддан кейинги ўзгаришлар, қайта қуриш тингловчилар манфаатларига мос тушмоқда. Илгарилари пропагандист кўпинча ютуқлар ҳақида гапириб, камчилик ва нуқсонлар эса хаспўшлаб кетиларди. Энди бирлашмадаги ҳақиқий аҳвол бўямасдан кўрсатилади.

Ҳа, фикрлашдаги турғунликни ўзгартириш, социал ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида жадаллаштиришга эришиш, одамларнинг куч ва ғайратларини ижодий жўшқин меҳнатга буриб юбориш ҳозирги куннинг бош мавзусидир. Бу мавзу пропагандамиз жонкуярларидан бири Марс Аппалонович сиёсий ва иқтисодий тарғиботчилик ишларининг ҳам марказида турибди.

Б. ҚАҲҲОРОВ,
«Узоргтехводстрой» ходими.

ДЕПУТАТ СЎРОВИДАН КЕЙИН

СОВЕТЛАР ВА ҲАЁТ

ЮНУСОБОД қишлоқ Советининг навбатдаги сессияси охирлаб борарди. Депутатлар ижроком раиси Ш. Эшбоевнинг докладини, Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг илмий секретари Ю. Корпоконинг нутқи, қишлоқ Совети депутати Н. Муҳамедованинг ҳисоботини муҳокама қилишди. Сессияда кўриб чиқилган «Давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш», «Илмий тадқиқотлар самарасини ошириш ва фан ютуқларини ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш», «Себзор ўрмон питомнигида уй-жой ва турмуш шароитини яхшилаш» масалалари юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Бироқ кун тартибига киритилган сўнгги масала сессия қатнашчиларини кўпроқ қизиқтирмоқда эди. Сабаби — Охунбобоев номли 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, қишлоқ Советининг депутати Насиба Ҳайдарова К. Маркс номли колхоз раиси Рустам Акбаровга депутат сўрови билан мурожаат этиб, қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, маданият ва маориф тармоқларини ривожлантириш ишларининг бугунги аҳволи ва навбатдаги режалар хусусида ахборот беришни талаб қилди.

Депутат сўровига киритилган масалалар кўпчиликнинг талаб-истагига мос бўлиб тушган эди. Масалан, колхознинг Фрунзе участкасидаги 21-ўрта мактаб биноси жуда эски бўлиб, ўқув машғулотлари олиб бориш учун ноқулай эди. «Қизил Октябрь» ва Фрунзе участкаларида яшовчи аҳолининг маданий-маиший шароитларини ҳам тубдан яхшилаш зарур эди. Хўш, колхоз правлениеси бу масалаларни қачон ва қандай ҳал қилмоқчи?

— Колхозимиз территориясидаги мактабларнинг, болалар боғча ва ясли-ларининг шароити, уларнинг моддий базаси масаласи бизнинг доимий диққат-эътиборимизда, — деди Р. Акбаров депутат сўровига жавоб берар экан. — Чунки хўжалигимизнинг истиқболи ана шу ёшларга боғлиқ. Ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб бериш эса ҳақиқатан ҳам колхознинг вазифаси. Лекин бу ишларнинг бугунми ёки эртага амалга ошиши колхознинг иқтисодий қувватига ҳам боғлиқ, албатта. Айтмоқчиманки, турмуш фаровонлиги билан колхоз экономикасини мустаҳкамлаш ишларини бирга қўшиб, мослаб, бирбирини тўлдиришга кўмаклашадиган тарзда олиб бориш керак бўлади.

Шундан сўнг ранс колхознинг иқтисодий аҳволи ва биринчи навбатда бажаришлари зарур бўлган вазифаларга тўхталди. Жумладан, сут-товар фермаси масаласини тезроқ ҳал қилмаса бўлмайди. Биринчидан, фермаларнинг аҳволи, чорвадорларнинг иш шароитлари яхши эмас. Иккинчидан, Тошкент шаҳри кенгайиб, ферма Юнусобод массиви ичида, яъни колхоз территориясидан ташқарида қолиб кетмоқда. Уни иложи борича тезроқ кўчириш, демак янги сут-товар фермаси қуриш зарур. Колхоз правлениеси биноси ҳам худди шундай аҳволда. Бу — биринчи галда қилинадиган ишлар.

Депутат сўровидаги талабларнинг қандай бажарилиши, аввало колхознинг иқтисодий қувватига боғлиқ, деганда раис кўп жиҳатдан ҳақ эди. Чунки ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни қуриш учун маблағ керак. Уни эса фақат колхоз ажратиши мумкин. Демак деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш, самарасиз сарф-харажатларни тугатиш ва тежаш йўли билан соф даромадни кўпайтириш зарур.

Хўжаликда шу йўлдан оғишмай боришга ҳаракат қилинди. Плёнка остига экиладиган эртаки сабзавот майдонлари анча кенгайтирилди, парвариши кучайтирилди. Деҳқон ва механизаторларнинг пировард натижага нисбатан манфаатдорлиги оширилганлиги натижасида ҳар бир соҳада тежамкорлик ошди. Ҳосил эрта яъни харид нархи қиммат вақтида пишиб етилиши ва мўл бўлишидан ташқари деҳқонлар илгаригидек пленкаларни бир марта ишлатгандан сўнг ташлаб юбормай, уч-тўрт марта фойдаланадиган бўлдилар. Ҳосил йиғим-терими пайтида ўзаро назорат кучайиб, ташмачилик кескин камайди.

Шундай қилиб колхознинг йиллик ўртача соф даромади 600—700 минг сўмга кўтарилди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик даромадлари илгари 150 сўм атрофида бўлса, кейинчалик 210 сўмдан ҳам ошадиган бўлди. Хўжалик экономикаси мустаҳкамлангач, кенг кўламдаги қурилишлар учун йўл очилди.

Биринчи навбатда хўжаликнинг «Қизил Октябрь» участкасидаги ташландиқ тепалик текисланиб, правление биноси қурилди ва илгари К. Маркс участкасида бўлган колхоз маркази шу ерга кўчириб келинди. Сўнг янги сут-товар фермаси қурилишига қўл урилди. Минг бош қорамолга мўлжаллаб лойиҳалаштирилган ферма қурилишига 700 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Ҳар бирида 200 бошдан қорамол сақланадиган 5 та молхонадаги ҳамма оғир ишлар техника зиммасига юкланган. Молларга озуқа тарқатиш, суғориш, тагларини тозалаш ишлари тўла механизациялашган.

Колхоз правлениеси чорвадорларнинг иш шароитларини яхшилаш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Ферма ходимлари учун пишиқ ғиштдан замонавий уйлар қуриб бермоқда. Уларнинг кўпи 5—6 хонали. Кенг ҳовлисида ошхона, донхона, молхона дегандек, барча зарур хоналар ҳам бор. Ҳар қайси оила ўзининг томорқа ерига эга. Ҳозир ана шундай қулай ва шинам уйлардан 18 таси қуриб бўлиниб, газ ва водопровод тармоқлари марказий магистралига уланган.

Колхозда депутат сўровига берилган жавобда таъкидланганидек, ободонлаштириш ва маданий маиший қурилишлар кўлами кенгайди. Жумладан, хўжалик участкаларини бир-бирига боғлаб турувчи йўллар капитал ремонт қилинди, асосий йўлларга асфальт ётқизилди. 400 ўринли маданият саройи, автогараж ва трактор парки, 1000 тонна картошка сақланадиган марказий омборхона қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ҳадемай, ўз дорихонасига эга бўлган янги поликлиника иш бошлайди. Шунингдек, колхоз яқинда ўз музейига эга бўлади. Хўжалик тарихини акс эттирувчи бу бино колхознинг янги идораси билан маданият саройи ёнида қад кўтаради.

Депутат сўровидан сўнг орадан ўтган 2,5 йилдан кўпроқ вақтдан бери колхоз марказининг қиёфаси кескин ўзгарди.

— Ўзи эгаллаб турган лавозимига лаёқатли раҳбар, аслида ишни депутат сўровига ўрин қолмайдиган қилиб олиб боради, —дейди Р. Акбаров. — Лекин мен ўшанда янги эдим. Мана энди ишлар ҳар ҳолда юришиб кетди. Шунга қарамай, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳали кўп. Эндиги вазифамиз — хўжалик юритишни янада такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг хўжалик учун ҳам, деҳқон учун ҳам иқтисодий самарали формаларини жорий этиш, энг муҳими эса етиштираётган маҳсулотларимиз сифатини халққа манзур бўладиган даражага кўтаришдан иборатдир.

А. БАЯНОВ,
Тошкент райони.

1 ЯНВАРЬ—КУБА МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

● КУБАДА революция ғалаба қозонгандан бери 28 йил ўтди. Бу йилларнинг ҳар бири мамлакат тарихида асрларга тенг бўлмоқда.

Куба Лотин Америкасида ялпи миллий маҳсулотнинг кўпайишида энг юксак натижага эришган ягона мамлакатдир. У ҳар йили ўрта ҳисобда 4,8 процент ошмоқда. Халқ ҳокимияти йилларида республикада 1 минг 100 та саноат объектлари қурилди. У Шимолий Американинг хомашё етказиб берувчи қарам мамлакатидан юзлаб хил саноат буюмлари — кемалар ва автобуслар, холодильниклар ва станоклар, кошинкор плиталар ва бошқа шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланди. Ҳозирги вақтда Куба чет элларга 150 хилдан ортиқ маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Оролда жойлашган бу мамлакатнинг республикамиз билан иқтисодий алоқалари йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Бизнинг корхоналаримизда тайёрланаётган турли хил машина-механизмлар қардош мамлакат халқ хўжалиги учун етказиб берилмоқда. Куба халқининг озодлик байрами куни арафасида Тошкент тажриба ремонт-механика заводи коллективи бу мамлакатнинг буюртмаси бўйича каноп йиғадиган комбайнларнинг бир туркумини тайёрлади. Ушбу суратда автокар ҳайдовчиси Юрий Матвеюк (чапда) ва дурадгор Владимир Шаминин шу машиналарни Кубага жўнатиш учун тайёрлаётган вақтда кўриб турибсиз.

Р. Нуриддинов фотоси.
(ЎзТАГ).

Республикада районлаштириш ўтказилганининг 60 йиллиги

БИР МАҲАЛ ҚОВУНЧИ ЭДИ...

Республика партия ва ҳукуматининг қарори билан 1926 йилда Ўзбекистонни районлаштириш бошланди. Бу муҳим тадбир Тошкент областида йилнинг 14 июлида бошланиб унинг охиригача давом этди. Ўша вақтда мавжуд бўлган икки уезд ўрнида 11 та район ташкил этилди. Бу Совет ҳокимияти органларини оммага анча яқинлаштирди, улар билан алоқани мустаҳкамланишига олиб келди. Бу тадбир кенг меҳнаткашлар оммасини саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги ишига жалб қилиш,, улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни активлаштиришга ёрдам берди.

Янгийўл райони ҳам ўша вақтда ташкил этилган эди. Шундан бери ўтган йиллар давомида доим юксалиш йўлидан борди. Унинг ҳозирги қиёфаси, экономикаси қанчалик тараққий этганлигини тўла тасаввур қилиш учун бундан олтмиш йил олдинги ҳолати ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Районнинг маркази Қовунчи ўша вақтда хароб ҳолда, ободонлашмаган эди. Районда салкам 47 минг аҳоли бўлгани ҳолда уларга битта касалхона, ягона медицина ва иккита ветеринария амбулаторияси хизмат кўрсатарди. Бундан ташқари битта агрономия пункти, 2 та почта бўлими бор эди. Посёлкалар ва қишлоқларда 8 та чойхона ва 3 та клуб бўлиб, уларда қишлоқликлар билан сиёсий ва маданий-тарбиявий ишлар олиб борилади.

Район аҳолисининг кўпчилик қисми саводсиз бўлиб, на ўқиш, на ёзишни биларди. Талабалар 29 та биринчи босқич мактаблари, битта иккинчи босқич мактаби, битта интернат ва 20 та саводсизликни тугатиш мактабида шуғулланишарди.

Район саноати жуда суст ривожланган эди. 2 та пахта тозалаш ва битта қанд заводи, 9 та жўвозхона, 59 та тегирмон бўлиб, уларда ишлар фақат қўл кучи билан бажариларди. Деҳқончиликдаги аҳвол янада аянчли, маданияти жуда паст эди. Асосан омоч, плуг иш қуроллари ҳисобланарди. Ўша вақтда район қишлоқ хўжалигида бор-йўғи 7 та трактордан фойдаланиларди. 9514 та хўжалик мавжуд бўлиб, уларда минглаб деҳқонлар эртадан кечгача оғир меҳнат билан машғул бўларди.

1926 йилнинг 12 декабрида биринчи Янгийўл район партия конференцияси бўлиб ўтди. Унда районнинг сиёсий ва иқтисодий, ташкилий-партиявий ишларнинг аҳволи чуқур таҳлил қилинди. Коммунистларнинг куч-ғайрати қишлоқ хўжалиги соҳасида ВКП(б) XV съезди қарорларини амалга оширишга, унда кенг меҳнаткашлар оммасининг актив иштирок этишини таъминлашга қаратилди.

Район партия комитети ташкил этилган дастлабки кунларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, самарадорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини яхшилашга қаратилган кенг миқёсли ташкилий ва сиёсий ишни олиб борди. Айни вақтда район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларида идеологик ишни йўлга қўйишда, ер фонди, ирригация тармоқларини тартибга келтириш, техникадан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор берди. Шу ва бошқа шу каби ишларнинг ҳаммаси колхоз тузумини мустаҳкамлашга, ҳосилдорликни оширишга, партиянинг аграр сиёсатини амалда рўёбга чиқаришга қаратилган эди.

Шунинг учун ҳам район меҳнаткашлари коммунистларнинг етакчилигида экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Ўтган олтмиш йил давомида унинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Йирик-йирик саноат корхоналари барпо этилди. Хўжаликларнинг экономикаси мустаҳкамланди. Маданият соҳасида муайян ютуқларга эришилди.

Район партия комитети ўзининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишини районнинг социал-иқтисодий даражасини оширишга қаратди. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш масалаларига эътиборни кучайтирди. Бу ўн биринчи беш йилликда яхши самара берди. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари сезиларли даражада ривожланди. Пахта тайёрлаш топшириғи ортиғи билан адо этилди. «Оқ олтин»нинг асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинди. Каноп етиштириш деярли 9,3 минг тонна, дон экинлари етиштириш 5,6 минг тонна, узум 8,2 минг тонна, картошка эса 8,2 минг тонна кўпайди.

Ўн иккинчи беш йилликда район партия ташкилоти ва барча меҳнаткашлари олдига катта вазифалар қўйилган. Улар КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини, айниқса, сифат кўрсаткичларини кескин оширишга эришишлари лозим.

Район меҳнаткашлари бу мураккаб ва шарафли вазифани муваффақиятли уддалашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун улар ҳамма жойда уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга, топширилган иш участкаси учун ҳар бир ходимнинг масъулиятини оширишга, мавжуд резервлар ва имкониятларни ишга солишга, инсон омилини кучайтиришга, иш жараёнларининг механизация ва автоматлашиш даражасини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Беш йиллик давомида 125 та прогрессив технологик жараёнларни, 112 та автоматлашган механизация линияларини ишга тушириш, кўплаб мавжуд қурилмалар ва агрегатларни такомиллаштириш, маҳсулотнинг 26 хил янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, умуман район бўйича қўл меҳнати сарфини 30—35 процент камайтириш назарда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планида мавжуд тармоқларнинг алоҳида структураси инобатга олинди. Районда 1990 йилга келиб пахта етиштириш бироз камайгани ҳолда картошка етиштириш 8 баравар, сабзавот етиштириш 3 баравар ортади, шунингдек, мева, узум, гўшт, сут, тухум, жун, пилла етиштириш ҳам анча ошади.

Ҳозирги вақт район территориясида салкам 115 минг киши истиқомат қилаяпти. 40 дан ортиқ миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб ишламоқдалар.

Район партия ташкилоти ва барча меҳнаткашлари район тузилган кунининг олтмиш йиллик шонли санасини нишонлар эканлар, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда ҳамма иш қилинмаганлигини яхши тушунадилар. Улар КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқиб, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш жараёнида фаолроқ иштирок этишга азму-қарор қилганлар.

А. АБДУҚОДИРОВ,
Тошкент область партия комитети партия архиви мудири,
П. ЦАПЛИН,
илмий ходим.

ШОИРНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ

АЛИШЕР Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг мавжуд «Ҳамза экспозицияси» янада кенгайтирилиб, янгидан-янги экспонатлар билан бойиди. Эндиликда бутун бир катта экспозицион зал — ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва серқирра ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Биз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий хонасидамиз. Бу ерда халқ рассоми Неъмат Қўзибоев мўйқаламига мансуб бўлган «Ҳамза» портрети кўзга «ярқ» этиб ташланиб турибди. Ҳамза ўз ижодхонасида. Юқорида Ленин бюсти. Деворда танбур осиғлиқ. Китоблар тўла жавон. Шоир жўшқин ижод устида. Чап қўлида қоғоз. Ўнг қўлининг мушти қаттиқ қисилган. Рассом бу билан Ҳамзанинг ўз ғоялари йўлида тутган мустаҳкам иродасини, инқилоб ғалабасига ишончини, инқилоб душманларига бўлган қаҳр-ғазабини -моҳирлик билан чизиб беролган.

Экспозицияга қўйилган шоир дастхатлари томошабинларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Хонанинг ўнг тарафидаги витриналарда Ҳамзанинг ўз қўли билан ёзилган «Мирзачўлга саёҳат» очерки, «Бир кун», «Муҳтарама оналарима хитоб», «Тасаддуқ», «Ҳароба жужуқлари» шеърлари намойиш этилмоқда.

Шу ерда ноёб ҳужжат ҳам сақланмоқда. Бу Ҳамзанинг Туркистон фронти штаби ихтиёрида хизмат қилганини тасдиқловчи ва Туркфронт революцион — ҳарбий совети қошидаги сиёсий бўлим томонидан 1920 йил 4 майда берилган гувоҳнома нусхасидир. Ушбу расмий ҳужжатнинг асл нусхаси ҳозирда Қўлёзмалар институтида сақланмоқда. Бундай ҳужжатли материаллар томошабинни Ҳамзанинг атоқли жамоат арбоби сифатидаги ижтимоий-сиёсий фаолияти билан яқиндан таништиради.

Хонанинг марказидан Ҳамзанинг Қўқондаги мемориал уй-музейи макети жой олган. Маълумки, Ҳамза Қўқон шаҳрининг собиқ Тароқчилик маҳалласида туғилган. Шоир хотирасини эъзозлаш мақсадида, шаҳар раҳбар ташкилотлари ва жамоатчилик ташаббуси билан, 1959 йилнинг март ойида шоирнинг уй-музейи ташкил этилган. 1967 йили эса уй-музей ремонт қилиниб, ҳовлиси кенгайтирилиб, ободонлаштирилган. Уйнинг мавжуд тўрт хонасида шоирнинг ҳаёти ва ижодини кўрсатувчи экспозиция ташкил этилган... Уй-музейнинг макети экспозицияни янада бойитган ҳолда, ҳозирги томошабинлар қалбида шоир ҳақида ажиб бир ҳис-туйғу ҳам уйғотади.

Янги экспозицияда Тошкент районидаги 27-ўрта мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини учратдик. Мактабнинг тил ва адабиёт муаллимаси Зарофат Усмонови суҳбатга чорладик.

— Музейда тез-тез бўлиб турасизларми?

— Мен ўқувчиларимни доимо бу музейга олиб келаман. Мактаб партасида ўргатган сабоқларимни, адабиётимиз масканида янада

Музей залларида

мустаҳкамлаб оламан. Бунда менга бой экспонатлар жуда қўл келади. Чунки, музей материаллари илмий-тематик план асосида қурилган бўлиб, мактаб программасига мос тушади.

— Зарофат опа, мана Ҳамзага бағишланган залдамиз. Бу ердаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Янгиликлар кўп. Олдинги саёҳатимизда учратмаган ва кўрмаган экспонатларимиздан — санъатшунослик доктори, профессор Р. Тоқтошнинг «Ҳамза», «Ҳамза Шоҳимардонда», «Ҳамза канал қурилишида» каби рангли санъат асарлари бизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, экспозициядан ўрин олган Ҳамзанинг ўғли Аббосхон Ачахон билан биргаликда тушган сурати, Ҳамзанинг отаси фойдаланган табиблик асбобларининг сурати биз учун янгилик...

Мен юқорида санаб ўтилган янги экспонатлар каторига Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Бацаров яратган «Ҳамза хотин-қизлар билан», «Ҳамза шоир», «Ҳамза курашчи» номли моҳирона яратилган туркум ишларини, рассом С. Раҳмоновнинг «Ҳамза» портретини ҳам кўшгим келади. Бу ишлар мактаблар ва олий ўқув юртларда Ҳамза ижодини ўрганиш бўйича муҳим кўргазмали қурол вазифасини ўтайди. Энг муҳими, бу экспонатлар томошабиларни Совет Ўзбекистонининг шонли фарзанди босиб ўтган жанговар йўл билан яқиндан таништиради.

Ҳамзанинг оташин революцион фаолиятини ифодаловчи яна икки экспонат залга кирган кишини дарҳол ўзига жалб қилади. Улардан бири Ҳамзанинг бюсти бўлиб, минбарда оташин нутқ сўзлаётган революционернинг руҳий дунёсини мумкин қадар ифодалай олган. Иккинчиси, Ҳамзанинг кандакорлик усулида мис лаганда ишланган бўртма портретидир. Уни истеъдодли мисгар рассом Омон Азизов яратган.

Ҳамзанинг театр соҳасидаги фаолияти, пьесаларининг тарихи ҳақида маълумот олиш учун ўша пайтдаги афишаларнинг аҳамияти жуда катта. Шундай афишалардан иккитаси шу ерда. Улардан бири «Бой ила хизматчи» драмасининг 1919 йилда саҳнада кўрсатилиши ҳақида бўлиб, афиша матнини Ҳамзанинг ўзи ёзган. Бу афишанинг қиммати томонимизшундаки, унда «Бой ила хизматчи»нинг ҳар бир пардасидаги воқеалар мазмуни қисқача баён этилган. Маълумки, драма ўз вақтида нашр этилмаган. Унинг қўлёзмалари театрдан театрга ўтиб юрган. Драманинг 1939 йилдан буён нашр этилиб ва саҳналарда ўйналаётган нусхаси — Ҳамза юбилейини ўтказиш комиссияси топшириғига биноан драматург Комил Яшин томонидан тикланган. Комил Яшин «Бой ила хизматчи»нинг матнини тиклашда, ўша вақтларда асарни саҳнага қўйишда қатнашган ва асосий ролларни ўйнаган актёрларнинг хотираларидан фойдаланган. Энг асосийси, афишада берилган маълумотларга суянган...

Республикамизнинг кўп жойлари Ҳамза номига қўйилган. Залда Ҳамза метро станциясининг, Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри ва бошқа кўплаб жойларнинг рангли суратлари ҳам мавжуд. Бу эса, янги давр ғояларини зўр эҳтирос билан қуйлаб ўтган улуғ ижодкоримизнинг халқимиз қалбида мангу яшаб келаётганлигидан далолат бериб турибди.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

• *Инсон омили*

МАСЪУЛИЯТ

ҲОСИЛ йиғим-терими олдидан бўлиб ўтган партия ташкилоти умумий йиғилишида ўтган йили пахтачиликда йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, бу йил уларнинг олдини олиш ҳақида гап борар эди. Шунда ўртароқда ўтирган Анормат Сосмақов сўз сўради. У анчадан буён дилига тугиб юрган гапларини дангал айтди.

— Шунча йиллардан бери давом этиб келаётган қолоқликка биз коммунистлар чидаб, муроса қилиб келаётганимизга баъзан тушунолмай қоламан. Нега лоқайдлик қиламиз? Қачонгача «қолоқлар» сўзини бизнинг хўжалигимизни тилга олишганда айтишаверади.

— Сени ҳеч ким қолоқ демайди-ку? Намунча куйинасан, — луқма ташлади орқароқдан кимдир секингина.

Анормат ялт этиб унга қаради.

— Сен ҳар йили пахта планини бажаряпсан, демоқчимисиз. Лекин сизнинг нега бажармаётганингиз ҳам мени ўйлантиряпти-да.

У бир неча йиллардан бери планни бажармаётган бир бригада бошлиғига қараб қўйди. У эса шошганидан:

— Анормат, ука, мен айтганим йўқ бу гапни,—деб қаловланиб қолди.

— Бунинг фарқи йўқ, ҳозир. Колхоз иши учун ҳаммамиз бирдек жон куйдирмасак ҳеч қачон қолоқликдан чиқа олмаймиз.

Қизғин баҳс бошланиб кетди.

— Анормат тўғри айтяпти, — деб гапга қўшилди колхоз раиси Фозил Маматқулов. — Гарчи унинг бригадаси планни мунтазам бажариб келаётган бўлса-да, ўз ишидан қониқмаётгани кўринриб турибди. Биз эса лоақал унинг тажрибасини ҳам ўрганаймиз.

— Бу гап тўғри. Бизда ҳар ким ўз билганича ҳаракат қилади. Бир-биримизга ўргатмаймиз, ўрганаймиз, — деб баҳса қўшилди илғор бригада бошлиғи Абдували Каримов, — менинг таклифим шу ердан чиқиб тўғри битта бригадага борайлик-да, у ердаги аҳволни яхшилаб ўрганиб, ўз фикрларимизни билдирайлик.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Йиғилиш тугагач улар энг қолоқ бригадаларнинг бирида бўлишди.

Кейинчалик эса бу анъанага айланди.

Пахта йиғим-терими айни қизиган кезлар эди. Машина терими бошлангандан сўнг икки-уч кун ўтгач колхоз бригадирлари бирин-кетин раиснинг хонасига кириб келаверишди.

— Бизга тезроқ ҳашарчи ажратинг. Ҳаво айниб бошлади. Вақт ғаниматида пахтани териб олайлик, — деб уларнинг бири мактаб ўқувчиларини, бири эса ёрдамга келган ҳашарчиларни сўрай бошлади. Шу пайтда хонага Анормат ҳам кирди.

— Мана, у ҳам ҳашарчи сўраб келди, чамамда, — деб кулди раис.

— Йўқ, раис ака, мен пахтамни 100 процент машинада териб оламан. Менга қўшимча прицеплар ажратишингизни илтимос қилиб келдим, инженер билан гапимиз келишмади.

Хонадаги бригадирлар ҳангу-манг бўлиб қолишди.

— Бу, ука, қаердан келяпсиз ўзи, ҳавони авзойини қаранг, айниб деб турибди, — деди даврадагилардан бири.

— Ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Агар машинадан тўғри ва унумли фойдаласанг, ташувчи механизм ва прицеплар етарли бўлса, ҳосилни бемалол ёрдамчиларсиз, техникада териб оламиз.

— Сизларга берадиган жавобимни Анормат ўзи айтдиларинг, машинага кўч бериш керак. Уларнинг иши яхши ташкил этилса, барака бўлади, — деди раис сўзни қисқа қилиб.

Бригадирлар бир-бирига қараб индамай хонадан чиқиб кетдилар.

— Қани, юр ука, далага бориб ишни ўша ерда ҳал қиламиз, — деди Ф. Маматқулов ва ўрнидан турди.

Улар 10 гектарлик пахта майдонига етиб келганларида иккита терим машинаси карта бошида турарди. Ҳар иккала машинанинг бункери ҳам тўла эди.

— Нимага хирмонга тўкиб кетавермайсизлар. Вақт ўтяпти, ахир, — деди раис механизаторлар билан сўрашар экан.

— Буни хирмонга тўкиб, уни яна ортиш учун қўшимча механизм, одам керак. Бунинг устига бир иш икки бўлади, — деди шпинделларни тозалаётган механизатор Собир Эшонқулов унга қараб.

— Шунинг учун ҳам олдингизга прицеп сўраб бордим-да, — деди Анормат ишнинг орқага сурилаётганидан хуноби ошиб.

— Бўлди, ука, ҳозир мен гаражга бориб резервдаги прицепларни юбораман. Фақат бугун 10 процент бўлиши керак...

Раис хайрлашиб жўнаб кетди. Унга бригададаги тартиб-интизом, одамларнинг фақат буйруқни бажармай, ўз ишини таҳлил қила билиши, фикрини, таклифини дадил айтаётгани маъқул бўлган эди. «Қани энди ҳамма бригада коллективлари ҳам шундай мустақил, дадил ҳаракат қилишса...» хаёлидан ўтказди раис.

Орадан кўп ўтмай 2 та ҳайдов трактори 4 та прицепни тортиб хирмонга етиб келди. Иш яна қизиб кетди. Бу ердан кўнгли тўлган Анормат пахтазор ўртасидаги йўлдан колхозчилар томон ўтди. Улар тўкилган пахтани теришар эди.

— «Ан-Боёвут» нави жуда бизбоп эканда, бригадир, бирдан очилиб бирдан теришларкан, — деди ҳисобчи.

— Яхшиликка, яхши-я, бу сорти чатоқ бўляпти-да. Пахтамизни иккинчи сортга қабул қилишяпти.

— Иккинчи сорт бўлгани билан пули яхши дейди-ку.

— Ҳа, энди пул билан ўлчайдиган бўлсак, зararимиз унчамас-а. Лекин ҳалол меҳнат қилгандан кейин натижаси яна ҳам яхши бўлиши керак-да. Демак, биз қаердадир янглишганмиз ёки навда... Хуллас йиғим-теримдан кейин яхшилаб мулоҳаза билан ҳисоб-китоб қилиб кўрамиз, — деди бригадир.

Бригада аъзолари ўша куни йиллик планнинг 12 процента миқдорида пахта тайёрлашди.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари бу йил районда иккинчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлат қабул пунктларига 2950 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик эса гектар бошига 32 центнерга етди.

А. Сосмақов бошлиқ бригада аъзоларининг эришган меҳнат муваффақияти янада салмоқли бўлди. Мавжуд 65 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олинди.

Бригада пахта тайёрлаш давлат планини фақат машина терими ҳисобига бажарди. Бу — юз процент ҳосил механизация ёрдамида териб олинди, деган гап.

— Қайта қуриш бизнинг ишимизга катта куч бермоқда. Ҳамма яхши меҳнат қилиш кераклигини тушуниб етаяпти. Интизом кучайиб кетди. Бажариладиган иш учун масъулият ошди, — дейди Анормат ундан муваффақиятлар сирини сўраганларга.

Бригада далаларида ҳали ҳам иш қизғин. Келгуси ҳосилга пухта замин тайёрланмоқда. Далалар сифатли шудгорланди. Айни кунларда маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ва бошқа тадбирлар бажарилмоқда. 1987 йилда коллектив аъзолари ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Бригадир Анормат Сосмақов дала ишларига бош-қош бўлиш билан бирга янги режалар тузмоқда. Тажрибалар ўтказмоқда...

Ҳ. НОРҚУЛОВ.

ЛАВҲА

«КИТОБ» КЛУБИДА

НАШРИЁТЛАР, полиграфия ва китоб савдоси ишлари республика давлат комитети ҳузурида ташкил этилган «Китоб» клубининг навбатдаги йиғилишига оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам таклиф қилинди. Бу ерда пойтахт журналистлари билан нашриётлар раҳбарлари ўртасида матбуот конференцияси ўтказилди.

Конференцияда нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари республика давлат комитети раисининг ўринбосари Р. Сафаров журналистларга нашриётлар фаолияти, уларда янги техникадан қай даражада фойдаланилаётганлиги, бу борадаги камчиликлар ҳақида гапирди.

Шундан сўнг «Ўзбекистон», «Меҳнат», «Ўзбек Совет энциклопедияси», «Ёш гвардия» каби ўнга яқин нашриёт раҳбарлари пойтахт журналистларининг турли саволларига жавоб беришди. Иштирокчилар «Китоб ва фан-техника тараққиёти» мавзуидаги кўргазма билан танишишди.

А. ҲАКИМОВ.

НАШРДАН ЧИҚДИ

ХИМИЯ — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳозирги босқичида ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашда, пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олишда, тежамкорликни таъминлашда химиявий усул энг самарали усуллардан ҳисобланади. Бу борада олимларимиз катта илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

А. Алибековнинг Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётида чоп этилган «Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва атроф-муҳит» номли брошюраси ана шу изланишлар самарасидир. Унда пестицидлар нима, уларнинг турлари, қишлоқ хўжалиги учун аҳамияти, ундан фойдаланиш қоидалари, нормадан ортиқча ишлатиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Шунингдек брошюрада автор умуман минерал ўғитлардан фойдаланиш, атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш масалалари тўғрисида фикрлар баён этади, йўл-йўриқлар беради.

Брошюра кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

М. ДАМИНОВ.

Халқаро ҳаёт

ХЕЛЬСИНКИДАГИ ЛЕНИН МУЗЕЙИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ

ХЕЛЬСИНКИ, 29 декабрь. (ТАСС). Финляндия пойтахтида В. И. Ленин уй-музейи очилган кунга ўн йил тўлди.

Владимир Ильич Финляндияда турли йилларда бир неча бор бўлган эди. 1917 йилнинг август-сентябрида у муваққат ҳукумат жосусларидан яширниб Хельсинкидаги Сэрняйстен Рантатие кўчасидаги биринчи уйда икки марта тўхтаб ўтганди. Жаҳон пролетариатининг доҳийси шу уйда бўлгани тўғрисидаги хотира сифатида 1976 йилнинг декабрида мазкур уйда ёдгорлик музейи очилди. Мамлакат ҳукумати, «Финляндия — Совет Иттифоқи жамияти», Хельсинки муниципалитети, Москвадаги В. И. Ленин Марказий музейининг коллективи шу музейни очишда актив қатнашдилар.

Жаҳон пролетариати доҳийсининг мамлакатда бўлиши тўғрисидаги хотира Финляндияда авайлаб сақланмоқда. Ленин Хельсинки ва Туркуда, Тампере ва Торниода, Лахти ва Котклада бўлган эди, В. И. Ленининг чет эллардаги биринчи музейи Тампереда очилган. Шу йил январида бу музей очилганлигининг 40 йиллиги нишонланди. В. И. Ленининг Финляндиядаги учинчи музейи ҳам бор. У Турку яқинидаги Парайнен шаҳарчасидадир. Музейларни Финляндия ва чет эллардан келиб кўрувчилар муттасил кўпайиб бормоқда. Улар жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчисининг ҳаёти ва фаолияти билан танишганн бу ерга келмоқдалар.

СОВЕТ ВИСТАВКАСИ ЁПИЛДИ

ПЕКИН, 29 декабрь. (ТАСС). Бу ерда совет савдо виставкаси ёпилди. Виставка ишлаб турган вақт ичида уни 250 мингдан ортиқ киши келиб кўрганлиги экспозицияга зўр қизиқиш билдирилганлигидан далолат беради.

Бу кейинги 30 йилдан кўпроқ вақт ичида Хитойда очилган энг катта совет виставкаси бўлди. Виставкада металл қирқиш станоклари, енгил автомобиллар, энергетика асбоб-ускуналари, замонавий совет самолётларининг, турли кемалар, космик аппаратларнинг моделлари — жами 3 мингдан ортиқ экспонат намойиш қилинди.

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД, 29 декабрь. (ТАСС). Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Эрон соҳилидан сал нарида «денгиздаги катта нишонга зарба берди,дейилади бош ҳарбий қўмондонлик ахборотида. Басрадан шарқда жанглар давом этди. Бу ерда Ироқ қўшинлари душманнинг анчагина солдати ва ҳарбий техникасини йўқ қилди. Фронтнинг марказий участкасида эронликлар позицияларига тўпларидан ва минамётларидан тўхтовсиз ўт очилди.

Эроннинг узоққа отувчи артиллерияси Басранинг уй-жой районларини ўққа тутди. Тинч аҳоли ўртасида ярадорлар бор.

НИКОСИЯ, 29 декабрь. (ТАСС). ИРНА ахборот агентлигининг хабарига кўра, фронтнинг жанубий участкасида тўп отишмалар бўлиб турди. Басра районида душманнинг бир неча танки ва инженерлик иншоотлари яксон этилди. Фронтнинг шимолий участкасида жанглар ва тўп отишмалари бўлиб турди.

Кипрда чиқадиган «Харавги» газетаси Эрон-Ироқ фронтидаги сўнгги воқеаларни шарҳлаб, бундай деб ёзади: бу урушнинг тўп емига минглаб кишилар қурбон бўлмоқда. Қиргинбарот инсоният тарихидаги энг ёмон даврларга таққосланадиган кўламни касб этмоқда. Тинчлик ва тараққиётга ғоятда мухтож қўшилмаган икки давлат иқтисодий фалокат сари тез суръатлар билан бормоқда. Ўз бахт-саодати йўлидаги меҳнат қилиши лозим бўлган икки халқ бири-бирини қирмоқда. Ўтган етти йил ичида миллиондан ошиқ киши ўлдирилди ва ярадор қилинди. Аммо уруш давом этмоқда ва кучайиб бормоқда. Бу уруш кимга керак ва кимларнинг манфаатларига хизмат қилади? Эрон билан Ироқ халқларининг ҳақиқий душмани бор. Бу — империализм бўлиб, у ҳарбий можаро чексиз давом этавершидан манфаатдордир. Иккала мамлакат халқлари бир-бирларини қирмасдан, умумий душманга қарши курашишлари керак, деб ёзади газета пировардида.

«СССР—ҚУНДУЗ» ЭЛЕКТР ЛИНИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

КОБУЛ, 29 декабрь. (ТАСС). Бугун Қундуз шаҳрида «СССР—Қундуз» юқори вольтли электр линиясини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Афғонистонда СССРнинг кўмагида қурилаётган энг муҳим энергетика объектлари орасида Пули—Хумридаги иккинчи ГЭС, Наглу ГЭСи, Мозори Шарифдаги иссиқлик электр станцияси ва бошқа иншоотлар бор. Совет Иттифоқи электр линияларини лойиҳалаштиришда, асбоб-ускуналар ва материаллар етказиб беришда, мутахассислар билан таъминлашда республикага техникавий ёрдам кўрсатди.

Янги линия Қундуз шаҳрини ва трасса атрофидаги қишлоқларни энергия билан таъминлаш, сўнгра Боғлон ва Пули-Хумри шаҳарларида электр қувватига бўлган талабларни тўлиқ қондириш имкон беради.

● **АДР. Афғон армияси жангчилари мамлакатни империализм ва реакция кучлари ҳуружидан ҳимоя қилмоқдалар, ички ва ташқи душманларга қарши қаҳрамонона кураш олиб бормоқдалар. Суратда: полк командири полковник Саид (чапда) ва учувчилардан Ҳўжа Муҳаммад Алим ҳамда Гул Ахмадлар навбатдаги жанговар топшириқни бажаришга тайёрланмоқдалар.**

Л. Портер фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ЧАДдаги МОЖАРО КЕСКИНЛАШМОҚДА

ПАРИЖ, 29 декабрь. (ТАСС). ЧАД шимолидаги уруш ҳаракатлари кетаётган районга Нжамена режими қўшинларининг янги колоннаси келди. Францияда чиқадиган «Котидьен де Пари» газетаси, Париждаги манбаларга таяниб, бугун шу ҳақда хабар қилди. Париж матбуоти Хиссен Хабре режими ва миллий бирлик муваққат ҳукумати кучлари ўртасида жанг давом этаётган Тибести баланд текислигидаги воқеаларни шарҳлаб, АҚШ билан Франция ЧАДдаги можарога тобора активроқ аралашаётганлигини таъкидлади.

Тибести райони, деб ёзади «ЭКО» газетаси, узоқ давом этадиган можаро ўчоғига айланиш хавфи бор. Нжамена маъмурлари, деб таъкидлайди газета, Вашингтон ва Париждан ёрдам олмоқда.

• ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА



Тошкент шаҳар ижроия комитетининг умумий овқатланиш бошқармаси корхоналари коллективлари Янги йил дастурхонининг янада тотли ва кўркам бўлиши учун ҳаракат қилишмоқда. Улар кўплаб ширинликлар ва кондитер маҳсулотлари тайёрлаб, уй бекаларига тавсия этишмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) Киров район ошхоналар трестининг моҳир ошпазлари О. Мирахмедов ва Ш. Абдусаломов; байрам дастурхони; «Тошкент» ресторанининг ошпазлари С. Каримов ҳамда Ю. Исаевлар янги йил дастурхонини безамоқдалар.

С. Маҳкамов фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

10 ЯНВАРГАЧА

Мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида Қорбобо, Қорқиз ва ўргатилган ҳайвонлар иштирокида

«СЕҲРЛИ ОРОЛ СИРЛАРИ»

АФСОНАВИЙ ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

Саҳналаштирувчилар — Украина цирки артистлари.

Томошалар: 31 декабрда 13.00 да; 1 январда 15.00 да; 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 январда 11, 13, 15.00 да бошланади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт саройи кассаларида сотилади.

Кассалар ҳар куни соат 14 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31—касса; 46-68-77, 46-07-53—администратор.

ЙИЛЛИК ПОЧТА

1986 ЙИЛ — ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилига якун ясаяпмиз. «Тошкент ҳақиқати» хатлар ва оммавий ишлар бўлими ҳам ўз ишини сарҳисоб қилмоқда.

Йил давомида бизга ишчи қишлоқ мухбирлари, кўп сонли азиз газетхонларимиздан областимиз ҳаётига оид хилма-хил хат-хабарлар тўхтовсиз келиб турди. Ҳозир уларнинг сони 10 минг 272 тага етди. Бу хатлардан 9 минг 773 таси газета саҳифаларида босилиб чиқди. Меҳнаткашларнинг редакцияга йўллаган шикоят ва арзалари бу йил бир мунча кўпайди. Уларнинг 167 таси газетада эълон қилинди. 275 та шикоят ва ариза текшириш ва чора кўриш учун тегишли партия, совет, хўжалик органлари ва бошқа ташкилот, муассасаларга юборилди.

Газетада босилган танқидий мақолалар ва шикоят хатлар юзасидан 377 та жавоб олинди. Уларнинг аксарият кўпчилиги «Тошкент ҳақиқати» материаллари изидан», «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар», «Хатлар «Тошкент ҳақиқати» назоратида» рубрикалари остида эълон қилинди. Айрим хат ва арзаларнинг муаллифларига кўрилган чоралар ҳақида ёзма жавоблар юборилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ.

* * *

Қуйида 1986 йил якунланиши арафасида редакциямизга келган охирги хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

● **ОҲАНГАРОН. Райондаги Жуков номли совхоз қурувчилари замонавий услубда жиҳозланган янги ошхонани қуриб совхоз меҳнаткашларига фойдаланишга топширдилар.**

Мазкур ошхона бир йўла 100 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, бу ерда турли миллий таомлар тайёрланади.

Шундай ошхоналар Куйбишев номли совхоз марказида, мазкур совхознинг Ленинчи участкасида ҳамда район марказида ҳам барпо этилди.

М. ҚАЮМОВ,
мухбирлар пости аъзоси.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

● **БЕКОБОД. Район партия комитетининг ташаббуси билан ташкил қилинган «Қизлар гурунги» лекторийсининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.**

Лекторийнинг бу машғулотига цирк ва эстрада артистлари, район санитария-эпидемиология станциясининг ходимлари ҳамда бадиий ҳаваскорлик коллективлари таклиф қилинди.

Лекторий иштирокчилари Бутуниттифоқ цирк ва эстрада конкурсининг лауреати Раҳмонберди Исломовнинг суҳбатини мароқ билан тингладилар. Машғулот сўнгида бир қатор бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерт программалари намойиш этилди. Область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Зафар тароналари» ансамбли ижросидаги куй ва қўшиқлар лекторий иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

А. ҲАМЗАЕВ,
мухбирлар постининг аъзоси.

ҚИЙШАЙГАН СИМЁҒОЧЛАР

● **ҲУРМАТЛИ редакция!**

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг 8-бригадаси территориясида юзга яқин оила истиқомат қилади. Ҳамма нарсамиз муҳайё.

Лекин уйларимизни ёритадиган электр линиясининг тортилганига 30 йилга яқинлашиб қолди. Айрим симёғочлар қийшайиб кетган. Бироз шамол бўлса, симлари узилиб кетади. Натижада уймизда бир кун чироқ ёнса, икки-уч кунлаб қоронғуда ўтиришга мажбур бўляпмиз.

Электр тармоқлари бошлиғи эса «тузатамиз» деб ваъда беришдан нарига ўтмайди. Уларнинг бу ваъдаси Янги йилда амалга ошармикан?

Бир группа колхозчилар номидан Қурбон МАМБЕТОВ.

560 БОЛАГА ТАКЛИФНОМА

РЕСПУБЛИКА пойтахтининг Киров районида очилган янги болалар боғчасида Янги йил байрамини нишонлагани 560 бола Қорбободан таклифнома олди. «Главташкентстрой» меҳнаткашлари кичкинтойларга шундай Янги йил совғаси қилишди.

Бу йил Тошкентда 10 та боғча қурилди ва уларда юзлаб бола тарбия олянти.

(ЎзТАГ мухбири).

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУЗУРИДА

ЖУРНАЛИСТ кўпчилик ўртасида ўзини қандай тутиши қандай кийиниши лозим, эстетик олами, фикрлаш билан бошқалардан фарқ қилиши керакми ёки йўқми? Шунга ўхшаш саволлар республика радио редакциясида ташкил этилган оммавий клубда тез-тез ўртага ташланмоқда. Клубнинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган бўлсада лекин довруғи кўпчилик қулоғига бориб етди.

Дастлабки машғулотларда ЎзТАГнинг етакчи ижодий ходимлари клуб тингловчилари билан учрашдилар. Улар факт олиш, материал устида ишлаш бўйича тажрибаларини сўзлаб бердилар. «Советская культура» газетасининг Ўрта Осиё бўйича мухбири В. Ниёзматовнинг суҳбати ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Иккинчи машғулотда тингловчилар машҳур хонанда Владимир Висоцкий ижоди билан танишдилар. Санъатшуносларнинг суҳбатидан сўнг хонанда ижро этган қўшиқлар янгради. Кейинги машғулотда Тошкентнинг уста косметологларидан бир гуруҳи таклиф этилди.

Клубнинг навбатдаги машғулотни ўтказилди. Журналистлар Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсандов билан учрашдилар. У шаҳар хўжалигини ривожлантириш, транспорт, қурилиш, ободончилик билан боғлиқ бўлган масалалар, шаҳар истиқболи ҳақида гапирди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Журналистларнинг оммавий клуби машғулотлари ойда бир марта ўтказилади. Барча матбуот органларида ижод қилаётган журналистлар ўз қизиқишларига қараб клубга аъзо бўлишлари мумкин.

Р. УСМОНОВА.

● **СУРАТЛАРДА:** (чапдан ўнгга) Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Мирсандов; клуб аъзолари навбатдаги машғулотда.

А. Зуфаров фотолари.

ҚОРБОБО ЭШИК ҚОҚАДИ

НАРГИЗА ота-онаси ҳамда акаси Шерзод билан эндигина байрам дастурхони атрофига ўтирган ҳам эдики, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Югуриб бориб эшикни очди: не кўз билан кўрсинки, остонада Қорбобо ва Қорқиз туришибди. Улар ичкарига кириб Наргиза ва Шерзодга совғалар ҳамда ширинликлар тақдим этишганда кичкинтойлар ўзларини эртаклар оламида ҳис қилдилар. Чунки болалар ҳақиқий Қорбобо ҳамда Қорқизни ўз уйларида биринчи бор кўришаётган эди-да.

Дарвоқе, Янги йил байрамида катталар ҳам, кичкинтойлар ҳам мўъжиза содир бўлишини сабрсизлик билан кутишади. Ана шу мўъжизанинг рўёбга чиқишида «Ташгорпрокатразноб и т» бирлашмасининг «Семург» маросимлар хизмати коллективи яқиндан ёрдам беради.

Бирлашма коллективи бу йил ҳам анъанага кўра кичкинтойларнинг Қорбобо ҳамда Қорқиз билан учрашувини ташкил қилишди. Бундай беминнат хизмат учун 5-таксомотор паркининг 30 та машинаси ажратилди. Улар 10 нафар Қорбобо ва Қорқиз билан биргаликда шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатади.

Янги йил элчилари байрам кунларида 5 мингга яқин адреслар бўйича совғаларни етказиб берибгина қолмай, кичкинтойларга бир олам севинч ҳадя этишади.

Биз «Семург» маросимлар хизмати коллективи ҳузурида бўлдик.

— Қорбобо ва Қорқизларни танлашда ҳар йили конкурс ўтказамиз,— дейди бош инженер Х. Ҳайдарова.—Конкурсда педагог ёки маданият ходимлари иштирок этишлари мумкин. Мазкур конкурсда актёрлик маҳорати, уларнинг нутқи, рус тилини пухта билиши ҳамда ташқи қиёфасига алоҳида эътибор берилади. Ана шу шартларга жавоб берадиган конкурс қатнашчиларига Қорбобо ва Қорқиз либослари топширилади.

Шу куни биз Қорбоболардан бири — 38-ўрта мактабнинг рус тили ўқитувчиси А. Абдураимов билан суҳбатлашдик.

— 1979 йилдан бери ўқитувчилик қиламан, — дейди у. — Бу йил биринчи марта Қорбоболикка қабул қилишди. Тўғри, илгарилари ҳам ўзимизнинг мактабда ана шу ролни ижро этганман. Шу сабабли бу вазифани бажариш қийинчилик туғдирмаса керак.

Боғлар, саройлар, клубларда Янги йил байрами ҳукм сурмоқда. Шаҳар кўчаларида ҳам Янги йил кириб келаётгани сезилиб турибди: гоҳ-гоҳ шошилиб кетаётган Қорбобо ва Қорқиз кўзга чалинмоқда. Ҳа, улар навбатдаги хонадонга, болаларга қувонч улашгани ошиқишаяпти.

А. ҲАКИМОВ.

НОН—БЕБАҲО НЕЪМАТ

ОТА-БОБОЛАРИМИЗ БИЗНИ ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН БУЁН НОНГА МЕҲР-МУҲАББАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАГАНЛАР, ЧУНКИ РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БЎЛГАН НОН БАРЧА НЕЪМАТЛАРДАН ҚАДРЛИ ВА АЗИЗДИР.

Барча асрларда одамлар нонни увол қилмасдан тановул этишган, унинг шарафига қўшиқлар тўқишган, меҳмонларни нон билан қутлашган. Қадим замонлардан буён буғдой бошоғи саховат, фаровонлик, тинчлик рамзи бўлиб келган.

Унинг увоғини ҳам увол қилмаслик, қадрига етиш барчамизнинг бурчимиздир. Бунинг учун уни етиштирган деҳқонни, қайноқ тандир олдида турган новвойнинг меҳнатини ҳурмат қилишимиз керак.

Нонни увол қилмаслик—уни кам истеъмол қилиш керак деган маънони англатмайди. Нонни истеъмолга лойиқ қилиб сотиб олиш лозим.

Нонни махсус идишларда сақлаш керак. Бундай тежамкорликда нон хушкўрлигини 1—1,5 сутка давомида сақлаб қолади. Бундай нон идиш («микроконтейнер»)ларни ҳафтада бир марта ушоқдан тозалаб туриш керак, уни сирканинг кучсиз эритмаси билан ювиш ва яхшилаб қуритиш керак. Агарда нон қутига артилган олма, бир бўлак тозаланган картошка, озгина туз солиб қўйилса—нон тез қотмайди.

Нонинг суви қочиб қотиб қолса, уни ташлаб юборманг. Уни қайтадан янгилашга ҳаракат қилинг. Бунинг учун кастрюлга бироз сув қуйинг, тубига саватча жойлаштиринг, унинг устига бурдалаб тўғралган нонни териб, кастрюлка қопқоғини ёпинг ва алангада 5—7 минут давомида иситинг.

ҚОТГАН НОНДАН ҲАМ ХИЛМА-ХИЛ ЛАЗЗАТЛИ ТАОМЛАР ТАЙЁРЛАШ МУМКИН.

МУНОСИБ СОВҒАЛАР

Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилик корхоналарида тайёрланган нафис буюмлар ҳар бир хонадондан муносиб ўрин олади. Ўзбек халқининг маданияти ва турмуш санъатига доир намуналар совға буюмларини йиғувчи ишқибозларнинг коллекциясини бойитади.

Заргарлик зийнат буюмлари, гулдор сопол лаганлар, чиройли гулли дўппилар, зардўзлик буюмлари, керамика, ёғоч ва мис ўймакорлиги, суяк ва шоҳдан ишланган буюмлар. Республика маҳаллий саноат министрлиги корхоналари тайёрлаб чиқараётган совға буюмларининг умумий сони бир мингга яқинлашиб боради.

СИЗ «СОВҒАЛАР» МАГАЗИНИДА ВА УНИВЕРМАГЛАРНИНГ МАХСУС БЎЛИМЛАРИДА НАФИС СОВҒА БУЮМЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.



«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

НЕГА ЭНДИ 1987?

МАЪЛУМКИ, ҳар қандай нарса ёки ҳодисанинг ўз тарихи бўлганидек, йил ҳисобининг ҳам ўз тарихи, келиб чиқиши, «характер»лари бор. Ушбу мақолада айни замонда турли мамлакатларда қўлланилаётган йил ҳисоблари — календарларнинг айрим турлари билан сизни таништирамиз.

Ой календари — хижрий деб ҳам аталади. Бу календарда йилнинг узунлиги 354 кун (кабиса йиллари —355 кун). Бу календарда фасллар, жумладан, йил боши маълум ойларга тўғри келмай, бир ойдан иккинчисига силжиб юради.

Энди кундалик турмушимизда ишлатилаётган Григориан календари деб аталадиган йилноманинг тарихи устида тўхтайлик. Бу солномининг асосида тропик йилнинг узунлиги ётади. Маълумки, тропик йилнинг узунлиги Қуёшнинг юлдузлар оралаб бир марта тўла айланиб чиқиш вақтига тенг. Бу вақтни қадимда миср ликлар 360 кунга тенг деб олиб, шу асосда ҳар бир ойнинг узунлиги 30 кунга тенг бўлган 12 ойлик йил ҳисобини эрамиздан олдин жорий қилдилар. Шундан сўнг узоқ йиллар давомида миср коҳинлари энг ёруғ юлдузлардан бири — Сотисни (Катта Ит юлдуз туркумининг энг ёруғ юлдузи, ҳозир Сириус деб юритилади) кузатиб, йил узунлигини катта аниқлик билан 365 кунга тенг деб топишга муяссар бўлдилар. Узоқ йиллар давомида миср ликлар йилномасининг аниқлиги шу билан чегараланган деб қаралар эди. Бироқ 1866 йили Нил соҳилида жойлашган Канопе шаҳри яқинидаги сарой вайроналаридан топилган тош плитада календарь тарихига тегишли қимматли маълумот топилди. Тошталтага битилган сирли ёзув эрамиздан олдин 238 йилнинг 7 мартида шоҳ Эвергет (тарихда Птолемей III) томонидан календарь йилининг узунлигини аниқлаштириш бўйича чиқарган декрети экан.

Декрет Сотис юлдузини кузатиш асосида йилнинг узунлиги 365 кун ўрнига 365,25 кунга тенг чиққанини маълум қилади. Бироқ, қизиғи шундаки, йилнинг узунлиги аниқлаштирилган бундай солномани эрамиздан олдин III ёхуд II асрда жорий қилганликлари ҳақида маълумотлар тарихий манбаларда учрамайди. Биринчи бўлиб, тропик йилининг узунлиги 365,25 кунга тенг бўлган йилномани Рим саркардаси Юлий Цезарнинг илтимосига кўра александрия лик (Миср) астроном Созиген ишлаб чиқди. Эрамиздан олдин 46 йилда жорий қилинган бу календарга кўра уч йил устма-уст 365 кунлик йиллар, тўртинчи йил эса йиғилган қолдиқлар (0,25x4=1) ҳисобига 366 кунлик кабиса йил ишлатиладиган бўлди. Йилнинг 12 ойи тартиб билан 31 кундан (тоқлари), 30 кундан (жуфтлари) қилиб белгиланди. Фақат оддий йиллари февраль учун 29 кун белгиланди...

Бир неча йиллар ўтгач, Юлиан календарига тегишли тропик йилларнинг узунлиги ҳам хатолик билан олинганлиги маълум бўлди. XV ва XVI аср астрономлари тропик йилнинг ҳақиқий узунлиги Юлиан календаридан 10 минутдан ортиқ қисқа эканлигини аниқлаб, Рим папаси олдига календарни реформа қилиш масаласини қўйди. XVI аср ўрталаридаги календардаги хатоликни тузатиш шу қадар жиддий тус олдики, натижада Рим папаси Буанкампано (тарихда Григорий XIII номи билан танилган) янги солнома лойиҳасини тузиш учун бир гуруҳ математик, астроном ва руҳонийлардан иборат комиссия тузишга мажбур бўлди. Ўша даврнинг машҳур математиги ва врачи Луиджи Лиллионинг лойиҳаси маъқул топилди. Рим папаси уни жорий қилиш учун 1582 йилнинг 24 февралида махсус қарор чиқарди. Унда жумладан шундай дейилган эди: «1582 йилнинг 4 октябрь эртаси куни 5 октябрь ўрнига 15 октябрь деб қабул қилинсин». Бу ерда гап шундаки, Юлиан календарининг аниқланган хатолиги 400 йилда 3 суткага тенг бўлиб, дунё христианлари Юлиан календарига ўтганларидан (бу ўтиш 325 йили черков соборида эълон қилинган эди) бўён ўтган 1250 йилдан ортиқ вақт ичида 10 кунга етиб қолган эди.

Қарорнинг иккинчи пункти келажакда Юлиан календарининг хатолиги олдини олишга қаратилган бўлиб, унда 100 йиллик йиллар, масалан 1700, 1800, 1900, 2000 ва х. к. йиллар ичида юзликлар қисми 17, 18, 19, 20 ҳ. к. тўртга қолдиқсиз бўлинадиганларигина, яъни 16, 20, 24... кабиса йиллар ҳисобланиб, қолганлари 1600, 1700, 1800, 1900, 2100... Юлиан календаридан фарқли равишда оддий йиллар ҳисоблансин дейилганди.

Шундай қилиб бу янги календарь Григорий XIII шарафига Григориан календари деб юритиладиган бўлди. Бироқ бу календарь ҳам хатодан холи эмас. Унинг хатоси 3280 йилда 1 суткага етади.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати, астрофизик.

ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚАБУЛИ

УТГАН чоршанба куни «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги социалистик қонунчиликни пропаганда қилиш жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни ўтказди. Шу куни Тошкент область соцнал таъминот бўлимининг сектор мудири А. Қодиров меҳнаткашларни қабул қилди. Қабул чоғида 5 киши ўз савол ва талабларига жавоб олишди. 3 кишининг аризаси алоҳида текшириб ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга ҳавола этилди. Масалалар узил-кесил ҳал бўлгач, натижаси ариза берган ўртоқларга маълум қилинади.

Жамоатчилик Советининг навбатдаги қабули 1987 йил 7 январь чоршанба куни соат 17.00 да ўтказилади.

Редактор ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

Р—16343. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1786. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12